



ЎЗХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Ижтимоий масалаларни самарали

ҳал этиш учун

фаолиятимизни изчил кучайтириш зарур

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Фаргона вилоят кенгашининг навбатдаги пленумида фаоллар шу фикрни қатъий таъкидлашди. Пленумда Фаргона вилоят партия ташкилотлари ва халқ депутатлари Кенгашларидаги гуруҳларнинг партия дастурий мақсадларини бажариш, электорат манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятини янада такомиллаштириш масаласи кўриб чиқилди.

Қайд этилдики, ўтган давр мобайнида партия барча бўғинлари ва депутатларнинг электорат манфаатларига жавоб берадиган устувор ижтимоий-иқтисодий масалаларни амалий жиҳатдан ҳал қилишда фаол иштирок этиш масъулияти сезиларли даражада ошди. Бу ҳақда гап кетганда, вилоятдаги ЎЗХДП гуруҳларининг амалий ишлари тобора кўпайиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Масалан, 2013 йилда 172 депутатлик сўрови юборилиб, унинг 145 тасида кўйилган масалалар ижобий ҳал этилди.

► Давоми 2-бетда.



ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ

Маълумки, бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги фаолиятида ўз ваколатларини янада самаралироқ рўйбга чиқаришлари учун сиёсий партиялар фракцияларига катта имкониятлар берилган. Жумладан, қонун лойиҳаси устида ишлаш фракциялар ва масъул қўмита томонидан бир вақтнинг ўзида амалга оширилади. Бунда фракцияларнинг қонун лойиҳаси бўйича фикрлари ва таклифлари-сиз масъул қўмита ушбу қонун лойиҳаси юзасидан ўз хулосасини чиқариш ҳуқуқига эга эмас.

Фракция ўз хулосаларини тақдим этди

Яқинда Қонунчилик палатаси Кенгаши Мувофиқлаштирувчи гуруҳнинг ахборотини эшитиб, «Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун масъул қўмитани белгилади ва фракцияларга қонун лойиҳаси ҳамда унга илова қилинган материалларни топширди.

ЎЗХДП фракциясининг қуни кеча бўлиб ўтган йиғилишида мазкур қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кўриб чиқиш учун қабул қилиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Унда таъкидландики, бугунги кунда фонд бозорига қимматли қоғозларни чиқариш ва уни жойлаштириш шартлари, қимматли қоғозлар билан битимларни тузиш ва уларни рўйхатга олиш талаблари, шунингдек, фонд бозорини профессионал фаолиятни амалга ошириш шартларини соддалаштириш долзарб вазифа ҳисобланмоқда.

— Қонун лойиҳасида ушбу масалаларнинг ҳуқуқий ечимига эътибор қаратилгани, шунингдек, унда республика фонд бозорини модернизация қилиш орқали замонавий ахборот технологиялари ҳамда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш ва ривожлантириш бўйича халқаро талаблар асосида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда, — дейди ЎЗХДП фракцияси аъзоси **Мастура Сайфидинова**. — Бундан ташқари, қонун лойиҳасининг асосий қоидаларида қимматли қоғозлар чиқариш, уларни давлат рўйхатидан ўтказишни тартибга солиш, қимматли қоғозлар билан битимлар тузиш ва рўйхатга олишни белгилаш, қимматли қоғозлар бозорини профессионал фаолиятни амалга ошириш тартиби ўз ифодасини топмоқда. Шунингдек, ахборотларни ошкор қилишни тартибга солиш ва қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг жавобгарлигига доир ҳуқуқий асослар мустаҳкамланмоқда.

Йиғилишда қонун лойиҳасини партиянинг дастурий мақсадлари ва электорат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этилди ҳамда тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Муҳокама якунига кўра, фракция ушбу қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хулосага келди ва ушбу хулосани масъул қўмитага тақдим этди.

Гулрух ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Депутатлик ва жамоатчилик назорати

жойларда қонунлар изчил ишлаши, Давлат дастурлари ижроси тўла таъминланиши, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига хизмат қилади

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ривожланишнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олишда, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини кучайтиришда, демократик жараёнларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда сиёсий партиялар ҳар қачонгидан фаол, ташаббускор бўлиши талаб этилмоқда. «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (32, 78, 93, 98, 103 ва 117 моддаларига)ги ҳамда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонунлар қабул қилиниши сиёсий партияларга юксак масъулият юкламоқда ва айни чоғда катта имконият яратмоқда.

Ана шундай бир жараёнда сиёсий партиялар кўпроқ нималарга эътибор қаратиши керак? Бугун партия ташкилотлари ва гуруҳларнинг асосий вазифалари нималардан иборат?

► Давоми 2-бетда.

ЎЗХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Айни пайтда туман партия кенгаши билан ҳамкорликда вақтинча ишсиз ёшларни аниқлаш мақсадида ишчи гуруҳи тузилди ва манзилли дастур тайёрланди. Ҳозир унинг ижроси устида иш олиб борилаётган. Бунда «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари ҳам муносиб иштирок этмоқда.

Дастурий вазифалар ижросида

ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга

2

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг қанчалик самарали фаолият юритаётгани аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатлами ҳаёт даражасини юксалтиришга, ҳудудларда ижтимоий ислохотлар самарадорлигини оширишга қай даражада таъсир кўрсатилаётгани билан ўлчанади.

Обуна давом этади



«Газетангизга йил бошида обуна бўла олмай қолдим. Эшиттишимча, энди йилнинг иккинчи ярмига обуна бўлиш мумкин экан. Ҳозир обуна бўлишининг илжои борми?»

Самарқанд туманида истиқомат қилувчи Зафар Олимов тахририятимизга ана шундай савол билан мурожаат қилди. Бу масала бошқаларни ҳам қизиқтириши мумкин.

Эслайтиб ўтамиз, газеталаримизга йилнинг исталган ойда обуна бўлишингиз ҳамда интернетдаги сайтимиз орқали исталган вақтда газетанинг электрон шаклини ўқишингиз мумкин.

«Ўзбекистон овози» индекси — 220, «Голос Узбекистана» индекси — 121.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтыда ўқинг

Берилган ваколат ва имконият

янада фидойи бўлиш, сидқидилдан меҳнат қилишни талаб этади



www.uzbekistonovozi.uz

ЎЗХДП: БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТ — АСОСИЙ ТАЯНЧ

«Хоразмшарк» қўшма корхонаси 1998 йилда Ҳазорасп туманининг Янгибозор қишлоғида ишга туширилган. Ҳозир бу ерда бир минг уч юз нафардан ортиқ киши уч сменада ишламоқда. Корхонамизда бир кеча-кундузда минг тоннага яқин сифатли шакар ишлаб чиқарилади.

Президентимизнинг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати, саложиятидан касаначиликни ривожлантиришда кенг фойдаланилмоқда. Бизнинг бошланғич ташкилотимиз эса бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини изчил олиб бори. Негаки, касаначилик ривож-

Партиянинг кучи

қуви бўғинлар фаолиятига боғлиқ

ланиши негизда бизнинг электоратимиз манфаати ётади.

Уйда ишсиз ўтирган хотин-қизлар ва ёшларни касаначиликка кенг жалб этиш учун партияимизнинг Бахтиёр Матёкубов, Рўзимбой Наврўзов, Оллоёр Полвонов сингари фаол аъзолари корхонамиз яқинидаги қишлоқларда бўлиб, тушунтириш ишларини олиб боришди. Натижада қисқа фурсатда касаначилар сони 63 нафарга етди.

Оддий бир мисол. Ишчиларимиз учун қўлқоплар тикишни касаначи аёлларимиз тез ўрганиб олишди. Наргиза Қурбонова, Шоҳида Эркаева, Қувондиқ Тоиров, Гулом

Раҳимов каби касаначилар меҳнатидан корхонамиз ҳам манфаат кўрмоқда.

Бригада бошлиқлари Отаниёз Матёзов, Юсуфбой Абдуллаев, техника хавфсизлиги муҳандиси Бахтиёр Матёкубов, лобарант Жамолддин Бекиевлар ўзларининг амалий таклифлари билан бошланғич ташкилотимиз ишларини кучайтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Бошланғич ташкилотимизда 50 нафарга яқин аъзо бор. Фаол, сиёсий етуқ ёшларни сафимизга қабул қилаёلمиз. Айни пайтда яна тўрт нафар ёшни аъзоликка тайёрлаш учун тахрибали аъзоларга бирик-

тириб қўйганмиз. Шу жараёнда номзодларнинг дунёқароши, ташкилотчилик қобилиятига эътибор қаратамиз. Биз сиёсатга қизиқувчи, партияимиз гоёларига эътиқодли ёшларни саралаб, аъзоликка қабул қиламиз. Чунки партияимизнинг келажакдаги тақдирини сафимизга бугун келиб қўшилаётган ёшлар белгилайди. Бошланғич ташкилот фаолияти ҳам аъзоларнинг сиёсий билими, ташаббускорлигига боғлиқ.

Каримбой ҲАСАНОВ, «Хоразмшарк» қўшма корхонасидаги ЎЗХДП бошланғич ташкилоти раиси.

ЎЗХДП Тошкент шаҳар кенгашининг қуни кеча бўлиб ўтган навбатдаги пленумида «Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши ва халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳининг электорат манфаатларига жавоб берадиган дастурий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш бўйича ишларини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги масала муҳокама этилди.

Газетамизнинг навбатдаги сонларидан бирида бу ҳақда ўқишингиз мумкин.

Ижтимоий масалаларни самарали ҳал этиш учун фаолиятимизни изчил кучайтириш зарур

ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Шунингдек, Жамоатчилик қабулхоналарига тушган мурожаатлар асосида муаммоларни чуқур ўрганиб, уларни тегишли идоралар ҳамкорлигида ҳал этиш, муҳим масалаларни халқ депутатлари Кенгашларининг доимий комиссия ва сессиялари муҳокамаларига олиб чиқишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Хусусан, қабулхоналарга 2012 йилда 605 та мурожаат тушган бўлса, 2013 йилда бу рақам 1376 тага етди. Уларнинг 50 фоиздан ортиғи ўз ечимини топди, қолганларига ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

— Бугун кўйилётган янги талаблардан келиб чиқсак, партия ташкилотлари ҳамда гуруҳлари ўз фаолиятини танқидий муҳокама этиб, уни янада кучайтириш учун барча чораларни кўришлари керак, — деди **ЎзХДП вилоят кенгаши раиси Махмуджон Маҳкамов**. — Партия Сайловолди дастурида белгиланган гоёларни депутатлар қай даражада амалга ошираётганини ҳам чуқур таҳлил этишимиз зарур. Мазкур таҳлиллар асосида вилоят ва унинг таркибига кирувчи туман, шаҳар партия ташкилотлари ҳамда депутатлик тузилмаларимиз ўз ишини изчил кучайтириши ҳамда ижтимоий масалаларни жойининг ўзида самарали ҳал этиш борасида аниқ натижаларга эришиш талаб этилади.

Бундан ташқари, партия гуруҳларимизнинг самарали иш тажрибалари кенг тарғиб қилиниши, электротимизга унинг манфаатини ҳимоя қилишга шароитлар яратилишига эътибор қаратиляётганини тушунтириб бориш лозим, деб ўйлайман.

— Вилоятда ЎзХДП сафида

Давоми. Боши 1-бетда.

25900 нафардан ортиқ хотин-қиз дастурий гоёларимизни амалга оширишда қатнашиб келмоқда, — деди **«Фаол аёллар» қаноти фаоли Дилоромжон Назарова**. — Вилоят ҳудуди бўйича партиямиздан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бир нафар, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларига 32 нафар хотин-қиз депутат этиб сайланган. Бу катта куч, албатта. Хотин-қизлар, хусусан, чекка қишлоқларда истиқомат қилаётган аёллар манфаатини ҳимоя қилишда ҳамма депутатларимизнинг ҳам салоҳиятидан самарали фойдаланиш керак, албатта. Аммо аёл дардини аёл яши тушунадди. Шу сабабли хотин-қиз депутатларни аёлларни ташвишга солаётган ижтимоий муаммоларни ҳал этишга янада фаол жалб этиш долзарб вазифалардан биридир.

— «Бувайда» қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудидида мактабгача таълим муассасаларида болаларга яратилган шароитлар тўғрисидаги масала ЎзХДП гуруҳи томонидан ўрганилиб, халқ депутатлари туман Кенгашнинг Ижтимоий-маданий ривожлантириш, ёшлар сиёсати



Шерзод ҚОРАБОВ олган суратлар.

ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари доимий комиссияси йиғилиши муҳокамага киритилди, — деди **ЎзХДП Бувайда туман кенгаши раиси Хабибахон Тошматов**. — Соғлом бола, баркамол авлодни вояга етказишда болани мактабгача таълим муассасаларида тўғри тарбиялаш ўта муҳим босқич ҳисобланади. Шу боис «Соғлом бола йили» Давлат дастурида ҳам бу масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Муҳокама чоғида болаларни имкон қадар мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш, мактабга тайёрлаш ишларини масъулият билан ташкил этишга тегишли идоралар эътиборини қаратдик.

Муҳокама чоғида болаларни имкон қадар мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш, мактабга тайёрлаш ишларини масъулият билан ташкил этишга тегишли идоралар эътиборини қаратдик.

қиди гап борар экан, биз аввало мамлакатнинг бугунги кунини муҳим бўлган, ҳам дастурий мақсадларимизни рўйбга чиқаришга хизмат қиладиган, ҳам электротимиз манфаати нуктаи назаридан долзарб ма-

салалар юзасидан жиддий иш олиб боришимиз зарур.

Пленумда шунингдек, **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Жўрақўзи Қўлдошев**, **партия Марказий Кенгаши бўлим муdiri Зокиржон Холматов**, **«Истикбол» ёшлар қаноти вилоят бўлими етакчиси Феруза Нишонов** ва бошқалар бугуннинг долзарб партиявий масалалари юзасидан фикр-мулоҳазаларини, партия фаоллари олдидан турган муҳим вазифалар ҳақида тақлифларини билдирдилар.

Пленум муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Муҳаммаджон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Зангиота туман партия кенгашида «Партия дастурий мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда ЎзХДП ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш масалалари» мавзусида ўқув-семинари ўтказилди. Унда туман партия фаоллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, ижтимоий ҳамкор ташкилотлар вакиллари, «Фаол аёллар» ва «Истикбол» ёшлар қаноти, «Тарғиб-ботчилик гуруҳи» аъзолари ҳамда бошланғич ташкилотлар етакчилари иштирок этди.

ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИДА

ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга

Сўзга чиққанлар, аввало, халқ депутатлари вилоят, туман Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини бугунги кун талаблари даражасига олиб чиқиш, электротимизнинг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилишда партия ташкилотлари ва гуруҳлари ҳамкорлигини кучайтириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирди.



Моҳира АҚРОМОВА, ЎзХДП Зангиота туман кенгаши раиси:

— Ўтган давр мобайнида партия электротими вакиллари маҳаллий ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларини ҳал этишда партия ташкилотлари ва гуруҳлари ўртасида ҳамкорлик бўйича яхши тажриба тўпланди. Партия ташкилоти ва депутатлар имконияти, кучи бирлашган, фаолиятимиз самардорлиги сезиларли даражада ошди. Шундай масалалар бўладики, уни депутат иштирокисиз ҳал этиб бўлмайди. Шунинг учун партия ташкилоти ва депутат ўртасида мустаҳкам алоқа бўлиши керак. Бунинг

учун, аввало, биргаликда режалар ишлаб чиқиш лозим. Партия электротими вакиллари маҳаллий ижтимоий ҳимоя қилиш, айниқса, меҳнатга лаёқатли ҳар бир кишининг бандлигини таъминлаш, бу борада касаначиликни ривожлантириш имкониятларидан самарали фойдаланиш масалаларини чуқур ўрганиб, аниқ тақлифлар ишлаб чиқиш керак. Яқинда партия ташкилотлари депутатлар билан маҳалларда бўлиб, мавжуд муаммолар ўрганиб чиқилди. Ҳозир тегишли тақлифлар тайёрланмоқда.

Нурмуҳаммад АБДУЛЛАЕВ, халқ депутатлари Зангиота туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари:

— Туман партия кенгаши депутатлик гуруҳимиз билан ҳамкорликда қонунчиликдаги ўзгариш ва янгиликлар мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, ҳукумат қарорлари ижросини таъминлашга бағишланган қатор давра суҳбатлари, семинар-тренинглари ўтказиб келяпти. Йил бошидан бунён яқин ана шундай учрашувлар ташкил этилди. Шунингдек, турли масалалар тизимли ўрганилиб, таҳлил этиб бориляпти. Муҳокамаларда бахсли ва муаммоли масалаларга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларига мурожаат қилиш орқали ечим топишга ҳаракат қилинмоқда.

Туманимиздаги муаммоларни тез илғаб олиш, уларнинг мақбул ошади, — деди у. — Демак, депутатлик ва жамоатчилик назоратини изчил ўрнатилиши керак. Бу ишга партиянинг асоси бўлган бошланғич ташкилотларни кенгроқ жалб қилсак, яхши натижаларга эришамиз. Худудлардаги муаммоларни тез илғаб олиш, уларнинг мақбул

Депутатлик ва жамоатчилик назорати

жойларда қонунлар изчил ишлаши, давлат дастурлари ижроси тўла таъминланиши, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига хизмат қилади

ЎзХДП Жиззах вилоят кенгашининг навбатдаги пленумида шу каби саволларга жавоб изланди, жорий йилдаги устувор йўналишлар белгилаб олинди. Шунингдек, пленумда ўтган йилда амалга оширилган ишлар, мавжуд имкониятлар таҳлил этилиб, партия ташкилоти фаолиятини кучайтириш бўйича тақлифлар билдирилди.

— Ўтган йили халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларидаги партиянинг гуруҳлари томонидан 8 масала маҳаллий Кенгашларнинг сессиялари муҳокамага киритилди ва электротимиз манфаатларига дахлдор қарорлар қабул қилин-

татлик ҳамда жамоатчилик назоратини ўрнатилиш масаласида ҳам ваколатлари доирасида амалий чоралар кўришмоқда. Бу борада Ғаллаорол, Зафаробод, Мирзачўл, Арнасой туманлари ҳамда Жиззах шаҳар партия кенгашлари фаолияти ибратли бўлмоқда.

Маърузачи яқунланган йилда партия кенгашлари қошида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналарига 442 та мурожаат тушгани, уларнинг 346 таси тегишли идора ва ташкилотлар орқали ижобий ҳал этилганини алоҳида қайд этди. Шунингдек, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида 1131 та машғулот ўтказилиб, 34 минг нафардан зиёд тингловчи қамраб олингани таъкидланди.

— Бироқ бугун ҳаёт сиёсий партиялар олдига бир-биридан муҳим янги вазифаларни қўйгандан келиб чиқиб фикрласак, хотиржам бўлишга ҳақимиз йўқлигини англаймиз, — деди маърузачи. — «Соғлом бола йили» Давлат дастури, ЎзХДП Марказий Кенгаши пленумида белгилаб олинган вазифалар фаолиятимизни ҳар қачонгидан кучайтиришни талаб этмоқда.

Сўзга чиққанлар бугун халқ депутатлари вилоят Кенгашида 11 нафар, шаҳар ва туман кенгашларида 115 нафар ЎзХДП депутати фаолият юри-

таётгани, жорий йил бошида вилоятдаги ЎзХДП аъзолари сони 15 362 нафарга етгани, демак, вилоятда партиямиз катта кучга эгаллигини қайд этишди. Ҳамма гап ана шу кучдан қандай фойдаланишга боғлиқ.

Пленумда айтилганидек, партия фаоллари янги иш ўринлари яратиб, аҳоли бандлигини таъминлаш, касаначиликни йўлга қўйишда янада ташаббускор бўлиши талаб этилади. Электротимизни ташвишга солаётган муаммолар ечимини ўз вақтида топишда сусткашлик қилаётган Зарбдор, Зомин, Дўстлик, Бахмал туман партия кенгашлари ва гуруҳлари эса ўз фаолиятини танқидий баҳолаб, тегишли хулоса чиқариб олмоғи зарур.

Пленумда **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Искандар Азизов** парламент ва



ошади, — деди у. — Демак, депутатлик ва жамоатчилик назоратини изчил ўрнатилиши керак. Бу ишга партиянинг асоси бўлган бошланғич ташкилотларни кенгроқ жалб қилсак, яхши натижаларга эришамиз. Худудлардаги муаммоларни тез илғаб олиш, уларнинг мақбул

Шоира Фозилова, партия фаоли Парда Шукуров, «Фаол аёллар» қаноти вилоят бўлими етакчиси **Жамила Шуқуралиева** ва «Истикбол» ёшлар қаноти Дўстлик туман бўлими етакчиси Санжарбек Тинчиқов ва бошқалар сўзга чиқиб, партия ташкилотлари ҳамда гуруҳлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Пленумда ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходими Аваз Саидов иштирок этди ва навбатдаги муҳим вазифалар ҳақида тўхтади. Хусусан, бошланғич ташкилотлар билан самарали ишлаш, улар фаолиятини такомиллаштириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, ёшлар, хотин-қизлар билан ишлашни янги асосда ташкил этиш масалаларига эътибор қаратди.

Пленумда кун тартибидидаги масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



ди, — деди **вилоят партия кенгаши раиси Мўътабар Каримова**. — Партиянинг кенгашлари, депутатларимиз бу билан чекланиб қолгани йўқ. Сессияда қабул қилинган қарорларнинг жойлардаги ижросини таъминлаш, бу борада сусткашликка йўл қўйган мутасадди ташкилотлар фаолияти устидан депу-

Давоми. Боши 1-бетда.

«Жамоатчилик қабулхоналари»га 442 та мурожаат тушгани, уларнинг 346 таси тегишли идора ва ташкилотлар орқали ижобий ҳал этилган.

жамоатчилик назорати, уни амалга ошириш механизмлари, сиёсий партиялар ва депутатлик тузилмаларининг бугунги вазифаларига тўхталиб ўтди.

— Ҳар қандай мансабдор шахс ўз фаолиятининг жамоатчилик назаридан четда эмаслигини ҳис этса, масъулияти

ечимларини топишда бу муҳим аҳамият касб этади.

Пленумда, шунингдек, **ЎзХДП Зафаробод туман кенгаши раиси Холмурод Ережонов**, **халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари Ақром Иномов**, **Жиззах шаҳар Кенгаши депутати**

Тадбир якунида ЎзХДП ташкилотларининг партия гуруҳлари билан ҳамкорлигини янада кучайтириш бўйича вазифаларни белгилаб олинди. Шунингдек, партияга янги қабул қилинган бир гуруҳ ёшларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Басанджон ЖАЛИЛОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

